2012 йил Мустаҳкам оила йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2012-YIL 26-YANVAR, PAYSHANBA, 12 (7941) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

## БЕЛДЕРСОЙДА АЖОЙИБ ҚИШ



"Beldersoy oromgohi" соғломлаштириш марказида сайёҳларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ушбу ажойиб дам олиш маскани Чимёнга яқин, Тошкентдан машинада бир соатлик йўл. Тоза қиш ҳавоси, тизза бўйи қор ва чанғи йўллари бу ерга кўплаб сайёҳларни жалб қилади.

Ушбу дам олиш масканидаги замонавий меҳмонхонанинг шинам номерлари, 4, 6 ва 8 хонали коттежлар сайёҳлар хизматига шай. Шу боис, бу ерда оила аъзолари ёки жамоа билан бирга мароқли ҳордиқ чиқариш мумкин.

"Beldersoy oromgohi"да қишда спорт анжомларини ижарага бериш пункти, сауна, ёпиқ чўмилиш ҳавзаси, дискотека, анжуманлар зали, ресторан, қаҳвахона ишлаб турибди, ёзда эса дам олувчилар учун теннис кортлари ҳам ташкил этилади. Оромгоҳнинг ёнида осма арқон йўлли спорт базаси жойлашган.

Соғлом турмуш тарзи тарафдорлари – дам олувчиларнинг кўпаяётгани қандай қувончли!

**Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**







## САҲИФАЛАРДА:




ТАРАҚҚИЁТДА ЯНГИ БОСҚИЧЛАР САРИ 2



УРИШИҚСИЗ УЙ ҚАЙДА БОР? 4



ЭНГ ҚИММАТ ОЛМОС 8

# ТАРАҚҚИЁТДА ЯНГИ БОСҚИЧЛАР САРИ

**Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисидаги маърузасида барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самаралари атрофлича таҳлил этилди, келгуси вазифалар белгилаб берилди.**



Жаҳон иқтисодиётига глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон салбий таъсирини кўрсатиб келаётган бир шароитда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатлари сақланиб қолаётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларига қарши кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 2011 йилда 8,3 фоизни ташкил этди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатлари қаторидан ўрин олди.

Рақамлар сўзлайди. Рақамларда ҳам ранг бўлади. Улардан ҳис қилиш мумкин. Президентимизнинг маърузасида келтирилган рақам ва кўрсаткичлар барчамизда фахрланиш ҳиссини уйғотди, фахр-ифтихор бағишлади. Зеро, уларда, энг аввало, бир вақтлар орзу қилганимиз — озод ва обод Ватан тараққиётини, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларимизнинг амалий ифодаси мужассам, бизнинг дунё билан бўйлашаётганимиз, бизга кўпларнинг ҳаваси келаётганидан далолат.

Ўтган йил мамлакатимиз, халқимиз учун юксалиш йили бўлди. Истиқлолимизнинг 20 йиллигини кенг нишонладик. Мустақилликка эришганимиздан сўнг Президентимиз қатъий ишонч билан "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" деган ғояни илгари сурди. Бу фақатгина орзу, шунчаки айтилган гап эмасди. Унда халқимизнинг эзгу интилишу хоҳиши ифода этилган, эзгу умидлари мужассам эди. Йигирма йил давомида ҳар томонлама ўзини оқлаб, исботлаб борган, жаҳонда "ўзбек модели" деб тан олинган энг тўғри йўл орзуларимиз ижобатини берди. Турмушимиз фаровон, юртимиз обод бўлди.

Буни, маърузада таъкидлаб ўтилганидек, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати ошиб бораётгани мисолида ҳам кўришимиз мумкин. 1991 йилда энг кам иш ҳақига жаҳон истеъмол корзинкаси қийматининг 8 фоизини ташкил этадиган маҳсулотни харид қилиш мумкин эди. 2011 йилда бу кўрсаткич 120 фоизни ташкил этмоқда. Бу, аввалламбор, халқимизнинг даромади кўпаяётгани, фаровонлиги ошаётганидан далолат. Аслида, буни барчамиз ўз ҳаётимиз, турмушимизда кўриб турибмиз. 20 йил илгариги ҳаёт билан бугуннинг орасида ер билан осмонча фарқ бор.

...Бешинчида ўқирдик. Мустақиллик дарсида ўқитувчимиз Аваз Тошпўлатов "Қани, айтинглар-чи, мустақиллик нима?" деб сўраб қолдилар. Ҳамма билганини, ўқиганини айтди. Муаллимимизнинг жавоби эса шундай бўлди: "Дейлик, — деди у, — ота-онангиз алоҳида рўзғор тебратадиган бўлди. Янги уйингизда каму кўст бўлиши аниқ. Ҳатто, қозон ҳам бўлмаслиги мумкин. Йиллар ўтиб барчаси ортда қолади. Оила тўкис бўлади. Давлат ҳам оилага ўхшайди. Ҳали йиллар ўтсин, кўрасизлар, Ўзбекистонимиз буюк давлат бўлади. Бу ердаги тўкинлик, тўкисликка ҳамма ҳавас қилади".

Яқинда бир синфдош дўстимиз билан суҳбатлашиб қолдик. Ўша гапларни эсладик. У фермер, ёш қишлоқ мулкдори.

— Муаллим тўғри айтган экан, — дейди у. — Ўйлаб қарасам, бугунги кунда уйдаги, хўжалигимиздаги барча техникалар — телевизордан тортиб, машиналаргача ўзимизда — Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмоқда.

Истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида ўз маҳсулотларимизни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, мустақилликни мустаҳкамлашнинг асосий шарти ҳам иқтисодий мустақилликка эришиш эди. Ўтган йилда ҳам кўплаб янги ишлаб чиқариш тармоқлари йўлга қўйилди. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш импортни қисқартириш ва минглаб янги иш ўринлари яратиш имконини берди.

Шаҳару қишлоқларимиз кўчаларини тўлдириб юрган ўзимизнинг автомобилларимизга боқиб, ўйлаб қоласиз — кун сайин кўпаймоқда, улар учун йўллар торайиб қолаётгандек. Кейин фахрланиб кетасиз. Ўзимизнинг машиналар. Бугун деярли ҳар бир уй олдида турган "Ласетти"ю "Нексия"га кўзимиз ўрганиб қолди.

Узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилаётган машиналар кенг ва равон кўчаларда ҳаракат қилмоқда. Айни шу жиҳат ҳам давлатимиз эътиборида. 2011 йилда Ўзбекистон миллий автомобиль магистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳалар доирасида 302,5 километр узунликдаги йўлга замонавий қоплама ётқизилиб, реконструкция қилинди. Жорий йилда ҳам бу ишлар янада кенг кўлам касб этмоқда. Маърузада таъкидланганидек, шу мақсадда 2012 йилда 517 километрлик автомобиль йўллари, иккита йирик транспорт боғламаси, 544 погон-метр кўприк ва йўл ўтказгичларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш мўлжалланмоқда.

Ўтган йили Тошкент—Самарқанд йўналишида 344 километр масофада юқори тезликда ҳаракат қиладиган "Талго-250" йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилди. Таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ коммуникация ва транспорт тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Қамчиқ довонидаги ер ости йўлаги, "Навоий—Учқудуқ—Мискин—Султон Увайстоғ—Нукус" йўналишидаги темир йўллар, Амударё узра поезд ва автомобиллар қатнайдиган улкан кўприк, "Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон" йўналишидаги темир йўл... Буларнинг барчаси асрларга татигулик ишлар бўлди. Халқнинг азалий орзулари ушалди.

"Бир пайтлар Қаршидан Тошкентга бориш учун поездда ўн соатлаб йўл юрардик, — дея ҳикоя қилади қашқадарёлик Тўхтамиш бобо Шодмонов. — Йўл азоби ёмон. 4-5 соатда етиб борсак, деб орзу қилардик. Яқинда пойтахтдан Қаршига — уйга қайтдим. Тезюрар поездга қизиқиб, "Афросиёб"га билет олдим. 2 соатда Самарқандда эдик. Қаршига ҳам тезюрар поезд бор — "Насаф". У жўнагунча азим шаҳарни томоша қилдим. Сўнгра яна икки соатда манзилга етиб олдик. Қаранг-а, шунда ҳам тўрт соат юрибман. Яна денг, икки соат қадим ва навқирон — Самарқандда улуғ жойларни зиёрат қилдим. Буни "йўл роҳати" дейиш керак. Шундай эмасми?!"

Бугун Тўхтамиш бобо сингари кўплаб юртдошларимиз эътироф этаётган "йўл роҳати" — тараққиётимиз меваси, катта тарихий ютуғимиздир.

Яна бир воқеа. Мустақилликнинг дастлабки йиллари эди. Биринчи синфда ўқирдик. Мактабдан келсам, онам унхалтани ямаб ўтирибди. "Магазинга ун келибди, мен бориб келай", деди. Дафтар-жилдимни қўйиб, мен ҳам эргашдим. Магазинга борганимизда ун тугаган, аммо одам тумонат эди. Онамнинг кайфияти тушиб кетди. Кечқурун отам аллақаёқдан бир халта буғдой топиб келди. Эрталаб қўшни қишлоққа тегирмонга жўнади. Мактабдан қайтгунча роса ўйнадик. Ҳориб, қорним очиб уйга қайтдим. Кечки овқат ғалати бўлди. Дастурхонда нон йўқ эди... Онам "Отанг келмади. Кечгача кутдим. Ўйлаб-ўйлаб, ош қилдим. Ноннинг ўрнини билдирмасмикан, дегандим", дедилар. Отамни кутиб, алламаҳалгача ухламай ётдим. Уйғонсам, қуёш чиқиб кетибди, отам келибди. Ҳовлида онам тандирдан нон узарди. Атрофни бирам ёқимли ҳид тутганди. Нон иси...

Ҳар гал нон ҳақида, ғалла хусусида сўз кетса, ўша воқеа ёдимга тушади.

Истиқлол йилларида эришган энг катта ютуқларимиздан бири — ғалла мустақиллигидир. Қишлоқ хўжалигида изчил ислоҳотлар натижасида ғалла мустақиллигига эришилди. Ҳолбуки, истиқлолнинг илк йилларида бу фақатгина орзу эди, холос. 1991 йилда республикамиз бўйича жами 221 минг гектар ерда ғалла етиштирилиб, ҳар гектаридан 17 центнердан ҳосил олинган. Аҳоли эҳтиёжи учун асосий буғдой хориждан валюта ҳисобига келтирилган. Ўтган йили ғаллакорларимиз 6 миллион 800 минг тонналик дон хирмони бунёд этишди. Ғалла мустақиллиги янада мустаҳкамланди. Бу дастурхонларимиз тўкинлиги, ризқимиз бутунлигидан нишона.

Ўз донимиз — ўз нонимиз, фаровонлигимиз тимсоли. Ўзимиз маиший буюмлардан тортиб, машиналаргача ишлаб чиқаришга эришганимиз тараққиётнинг "ўзбек модели" самараси.

Президентимиз раҳбарлигида танланган йўлнинг нақадар тўғрилигини — "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросида ҳам кўриш мумкин. Дастурга мувофиқ, соҳа учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес улуши 2010 йилдаги 52,5 фоиз ўрнига 54 фоизга кўпайишига кўмаклашилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар қарийб 1 миллион иш ўрни ташкил этиш имконини берди. Уларнинг 68 фоизидан ортиғи қишлоқ жойларига тўғри келди.

Дарвоқе, қишлоққа қаратилаётган эътибор...

Бир пайтлар қишлоқ деганда кўпчиликнинг тасаввурида шундай манзара жонланарди: тупроқ кўчалар, пахсадан кўтарилган уйлар...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг "Момо ер қўшиғи" қиссасида шундай манзара бор: асар қаҳрамони Паҳлавон Даҳо — қишлоқ мактаби муаллими магазинга киради ва совун сўрайди. Сотувчи унга кирсовун узатди. "Атирсовун йўқми?" — деган саволга "Маданиятли одамлар шаҳарга борадилар", — деган жавоб олади. Ҳаммомга борса ҳам шу жавоб. Кутубхонага борса, қулф.

Асарда тасвирланган даврда аҳвол шундай эди. Бугун-чи?

Ҳозирда қишлоқ кишиси уйидан чиқади-ю, нафақат атирсовун, балки игнадан тортиб, маиший техникагача сотиладиган дўконга киради. Унда ўзига, оиласига керакли барча товар муҳайё.

Бу бизнинг оилаларимиз тўкинлиги, фаровонлигимиз белгиси. Турмушимиз тобора яхшиланиб бормоқда. Айни пайтда мамлакатимизнинг қай гўшасига борманг, замонавий, кўркам, қулай уй-жойлар қишлоқларимизнинг кўркини очмоқда. 2009 йилда — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бошланган бунёдкорлик ва ободончиликлар қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Сўнгги йил давомида 15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлишди. Биргина ўтган йилнинг ўзида намунавий лойиҳалар асосида 7 минг 400 та уй-жой қуриб битказилди.

Қишлоқдаги тараққиётни нафақат уй-жойлар, балки бошқа жабҳалар мисолида ҳам кўриб турибмиз. Бу, энг аввало, аҳоли турмушининг юксалишида намоён бўлмоқда. Жумладан, инфратузилма тармоқлари — табиий газ, ичимлик суви, электр таъминоти, йўлларнинг ҳолати, транспорт ва коммуникация тармоқлари тобора ривожланмоқда. Янги уй-жойлар атрофида минибанк, савдо дўкони, сервис шохобчалари, гузар, болалар спорт майдончалари бунёд этилмоқда.

Ушбу саъй-ҳаракатлар замирида инсон манфаатлари устуворлиги, аҳолига қулай шарт-шароит яратишдек эзгу мақсад мужассамлиги кишини қувонтиради. Бу ҳақда юртдошларимиз билан суҳбатлашсангиз, айниқса, замонавий уй эгаси бўлганлар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг беҳад мамнунлигини ҳис этасиз. 2012 йилда ушбу хайрли ишларнинг янада кенгайиши халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаши, муносиб ҳаёт кечиришига хизмат қилади.

Аслида кўзлаган мақсадимиз ҳам шундай. 2011 йил ана шу мақсад йўлида — тараққиёт пиллапояларида муҳим йил бўлди. Президентимиз таъкидлаганидек, 2011 йил иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш дастурининг мантиқий давоми бўлди, Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустақил тараққиёти тарихида, жамиятимизни изчил демократик янгилаш ва либераллаштириш шароитида алоҳида ўрин эгаллаган йил бўлди, деб тўла ишонч билан таъкидлаш мумкин.

Буларнинг барчаси — орзуларимиз рўёби — бизни 2012 йил — Мустаҳкам оила йилида ҳам янги-янги марраларга ундаши табиий.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Тошкент вилояти

# ЭР-ХОТИНЛИК ЮКСАК МАҚОМ



**Агар оила бир боғ бўлса, унинг боғбонлари эр билан хотиндир. Табиийки, бу мўътабар боғнинг гуллаши ва яшнашида, оиланинг мустаҳкам бўлишида эр-хотиннинг муҳаббати, аҳиллиги, ўзаро ҳурмат, садоқат каби олижаноб фазилатлари уйғун бўлмоғи лозим. Халқимиз "Оила — қўш устунли айвон", "Эр-хотин — қўш қанот" деб бежиз айтмаган.**

Тошкент вилоятидаги Зангиота туманининг Қизғалдоқ, Келес, Кўксарой, Чувалачи, Ҳасанбой, Кўктерак қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудларидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган Каримберди Эгамбердиев, Абдиҳабир Самиғов, Маҳмуджон Соҳибжонов, Носир Каримов, Ботирхўжа Зайниддинхўжаев, Файзулла Баҳромов, Зиёдулла Дадабоев, Комилжон Ғофуров, Ислом Ҳамидов, Қобилжон Ғофурлар сингари юзлаб аҳил ва иноқ оила бошлиқлари борки, уларнинг хонадонида ҳамиша меҳр-оқибат, самимият ва садоқат нури балқиб туради. Бу оилаларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан мустаҳкамлиги эр ва хотиннинг ақл-заковат билан иш юритишлари билан изоҳланади.

Туманимизда Эгамберди Ҳожибоевлар сулоласини кўпчилик яхши танийди. Эгамберди ака Назирахон ая билан 63 йил тинч-тотув ҳаёт кечиришди. Улар тўққиз нафар фарзанд ва 63 нафар набирани тарбиялаб вояга етказишиб, пирубадавлат бўлишди. Эгамберди ака 55 йил соғлиқни сақлаш тизимида шифокор бўлиб, Назира ая 40 йил жамоа хўжалиги далаларида ҳалол меҳнат қилиб, ўғил-қизларининг барчасини илмли, ҳунарли ва одобли қилиб тарбиялашди.

Тўнғич фарзанди Каримберди Эгамбердиевнинг оиласида яқинда қувончли воқеа бўлди. Катта ўғил, олий тоифадаги хирург-онколог Салимжон тиббиёт фанлари номзоди даражасига эришди. Ҳавас қилса арзийдиган оила. Қаранг, битта оилада ота-бола олий тоифадаги жарроҳ. Қизлари Дилдора ва Дилсора, келинлари Ҳулкарой, Дурдона ва Муҳтабархон тиббиёт ҳамшираси, ўғиллари Азизжон ва Асадхон эса тадбиркор. Бундай файзли, аҳил, иноқ оиланинг барқарор бўлиши Каримберди ака ва Ҳанифахон аянинг бир-бирларига садоқати ва меҳр-муҳаббатининг шарофатидандир.

Ҳаёт мураккаб, унинг паст-баланди, ўнқир-чўнқирлари бор. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил, деб бекорга айтилмаган. Қуйидаги ҳолат ҳам бунга далилдир. П. ва Ф. исмли эр-хотинлар қизлари узатиладиган, ўғиллари уйланадиган даражага етганда ажралишмоқчи бўлиб, ариза билан маҳаллага мурожаат қилишди. Қарангки, ажрим ҳақидаги аризани биринчи бўлиб аёл берди. Бунга эр хотинига бозорда тижорат билан шуғулланмайсан, догани сабаб бўлди. Суриштириб кўрилса, уйда иккита енгил автомобиль машина бор, биттаси ижарага бериб қўйилган, ўғиллари топармон-тутармон, эр ҳам даромадли иш билан шуғулланарди. Лекин аёлнинг кўз ёш билан қилаётган нолишлари ҳаммани ҳайратга солди.

— Сиз шукроналикни унутиб қўйибсиз, нафсингиз ақлингиздан устун келиб, уни ўзингизга бўйсундира олмабсиз, — деди маҳалла раиси гапни кесиб-кесиб. — Шуни унутмангки, кимнинг нафси ақлига хизмат қилса, ундай кишига оилавий бахт ва давлат юзланади. Борди-ю ақлингиз нафсингизга бўйсунса, унда бахту иқбол оиладан юз ўгиради. Ортиқча мол-дунё деб, эрингиз, оилангиздан воз кечмоқчимисиз?..

Ф. бошини қуйи солган ҳолда чурқ этмай қолди. Бир хўрсинди-да, бошини ҳам қилганча "Сизларни овора қилиб қўйганим учун узр сўрайман, хатоимни англаб етдим", деди.

Йиғилганларнинг юзига табассум югуриб, ҳамма уй-уйига тарқалишди.

**Эркин ҒУЛОМОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.**

*Нуъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.*

# МАКТАБДАН БОШЛАНГАН ДЎСТЛИК ОИЛАГА АСОС БЎЛДИ

**Кийимнинг — янгиси, дўстнинг эскиси яхши, дейишади. Бунга мен ҳикоя қилмоқчи бўлган олти оила ҳаёти ёрқин мисол бўла олади. Улар бундан эллик йил илгари — 1962 йили пойтахтимиздаги 118-мактабнинг 1-синфига бирга ўқишга борган ва ўшандан буён қиёматли дўстга айланган. Мана улар (чапдан ўнгга): Мунира ва Жамолиддин Алимуҳаммедовлар, Феруза ва Азим Ориповлар, Дилором ва Мавлон Марасуловлар, Умида ва Бахтиёр Исроиловлар, Матлуба ва Абдужаббор Абдураззоқовлар, Раҳима ва Аҳмаджон Ориповлар.**



Улар яхши кунларда ҳам, ёмон кунларда ҳам бирга, болаликдаги каби бирбирларини доимо қўллаб-қувватлаб келади. Айримларининг сочига оқ оралаган, баъзиларининг бир қучоқ неваралари бор! Шундай бўлса-да, бир ойда бир маротаба йиғилганларида йигитларнинг кўзида ғайрат-шижоат, қизларнинг нигоҳида — меҳр-муҳаббат ва нафосат яққол акс этади.

Улар бутун ҳаётлари давомида ўша беғубор муносабатларни — ўғил болалар қизларнинг сумкасини кўтариб юришни одат қилган, мактаб нонуштасидан тежаган пулига қизларни музқаймоқ ва лимонад билан сийлаган, қизлар ҳам ўз навбатида, уларга уй вазифасини кўчиртирган дўстона алоқаларни асраб-авайлаб келаётгани кишини қувонтиради.

Уларнинг синфи жуда аҳил эди. Синфдошлар ўртасидаги дўстлик вақт ўтиб, аста-секин севги-муҳаббатга айланди. Даставвал Феруза билан Азимнинг тўйи бўлди. Улардан Абдужаббор ва Матлуба ибрат олди. Бошқалар ҳам бу ишдан четда тургани йўқ. Бугунги кунда уларнинг барчаси бахтли оила соҳиблари — баъзиларининг икки, айримларининг беш нафар фарзанди бор. Жамолиддин ва Мунира бу борада барчадан ўзиб кетди — 15 неваранинг севимли бува ва бувижони! Тўғри, ҳаёт йўли бир текис эмас — уларнинг жанжаллашиб қолган пайтлари ҳам бўлган. Бундай пайтларда дўстлар жамоаси йиғилиб, «Бизнинг қадрдонимизни нега хафа қиласан?» деган мазмунда муҳокамалар бўлган.

Шу тариқа кўп йиллик қадрдон дўстлар даврасида бундай араз ва гиналар тез унутилган. Бугун уларнинг барчаси ўз юртининг фидойи фарзандлари, жамиятда ўз ўрнини топган фуқаролардир. Дилором — Яккасарой туманидаги 60-оилавий поликлиникада бош шифокор, Феруза — «Файз» холдинг компаниясининг касаба уюшмаси раиси, Бахтиёр «Италфуд» масъулияти чекланган жамияти директори, Абдужаббор — «Релеавтомат» заводида цех бошлиғи.

Уларнинг бахтли ҳаётига сабабчи бўлган қадрдон мактаби эса ҳамон ўша жойда — Бобур номидаги истироҳат боғи ёнида қад ростлаб турибди...

**Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Навоий вилояти

**Қизилтепада йирик саноат корхоналарида ва уй шароитида касаначилар меҳнатини тўғри ташкил қилиш натижасида тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ҳамда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш салмоғи ортмоқда.**

# ҚИЗИЛТЕПАЛИК КАСАНАЧИЛАР

Бу соҳа равнақи туфайли мазкур туманда ўтган йилнинг ўзида етти юзга яқин янги иш ўринлари яратилди. Ички бозорга касаначилар томонидан чиқарилган маҳсулот ҳажми аввалги даврга нисбатан бир неча баробарга ошди. Айниқса, оилавий касаначилар сафи кенгайди.

Тумандаги Бўлакработ маҳалласи аҳли тадбиркор Шароф Бозоровни анча йилдан буён халққа астойдил хизмат қилаётганлиги учун жуда ҳурмат қилишади. У ҳар бир юмушни "етти ўлчаб, бир кесиб" юритади. Айниқса, маҳалласидаги ҳар бир ёшни касб ва ҳунар ўрганишга ундайди. Бундан уч-тўрт йил бурун собиқ хўжаликнинг эски биносидан устахона очиб, автомобилларга техник хизмат кўрсатишни йўлга қўйганди. Кейинчалик ушбу цехни кенгайтириб, "Шароф Бозор соҳибкор" хусусий корхонасига айлантирди. Бу — ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта.

Бошида қўли ишга қовушмаган, коллежни битираётган ўғилларини бир ҳунарнинг бошини тутишга ундади: Муродулло — соатсоз ва радиотехника созловчиси, Мухторжон — калитсоз ва газ ускуналари созловчиси, Мансуржон — косиб, Мақсуд ва Муҳиддинжонлар электр жиҳозларини созловчи ҳунарларини эгаллашди. Ҳозирда буюртма берувчининг талабига биноан унинг уйига бориб, юмушини битириб келишмоқда, азаматлар. Шу кечакундузда Шароф ака маҳалладаги тикувчилар учун цех очиш ҳаракатида. Ҳа, изланувчан тадбиркор бугун ўз корхонасига 25 та замонавий тикув машинасини ўрнатиш тараддудида юрибди.

Худди шу туманнинг Сўфиён маҳалласида истиқомат қилувчи Насиба Салимова болалигидан тикувчилар орасида улғайди. Унча узоқ бўлмаган Бўстон маҳалласидаги устадан зардўзликнинг сир-асрорларини ўрганган Насибахоннинг ўзи ҳам бундан икки йил аввал ҳовлисида тикувчилик цехи ташкил қилди. Қўшни қизларни чорлаб, шогирд тайёрлай бошлади. Бозорларда тайёрлаган маҳсулотлари аста-секин қўлма-қўл бўлиб кетавергач, уларнинг турини оширишга, харидорларнинг дидини ва таклифларини ўрганиб боришга ҳаракат қилди. Яқинда костюм-шим, кичик пальтолар тикиш ҳам йўлга қўйилди. Бугунга келиб тадбиркор Насиба Салимова билан бирга меҳнат қилаётган касаначилар сони йигирма нафардан ошди. Айни пайтда улар тайёрлаётган маҳсулотлар ҳажми кундан-кунга кўпайиб, сифати янада яхшиланиб бормоқда.

**Баҳриддин САДРИДДИНОВ**

«Qishloq HAYOTI»
12-son (2012-yil 26-yanvar)

**Оилада турли келишмовчиликлар бўлиб туради. Мутахассисларнинг таъкидлашича, оилавий низоларга айрим эркакларнинг ишга муккасидан кетиши, уй-рўзғор ишларига, болалар тарбиясига эътиборсизлиги, хотинига маданий ҳордиқ чиқариши учун шароит яратиб бермаслиги сабаб бўларкан.**



# УРИШҚСИЗ УЙ қайда бор?

Дарҳақиқат, айрим эркаклар ўз уйларини бир ётоқхонадек тасаввур қилади. Биз аёлларнинг кўпчилигимиз эса ишга бораётиб ҳам оила ҳақида ўйлаймиз, уй-рўзғор ташвиш-қувончлари хаёлимиздан нари кетмайди. Тушлик вақтидан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Ишдан кейин боғчага югурамиз. Йўл-йўлакай яна "компьютер"ни ишга соламиз: уйда нима бор, нима йўқ — тез ҳисоблаб беради, қандай овқат тайёрлашимизни ўз дастурига киритади.

Биз ишда ўзимизни "меҳмон"дек ҳис қиламиз. Айниқса, душанба кунлари айни ишда бироз ҳаловат топамиз, "дам оламиз". Эркаклар бунинг акси — улар уйда ўзларини хўжайиндек ҳис этадилар. Диванда ёнбошлаб газета ўқиб, телевизор кўришади. Маданий дам олиш деб шуни тушунади. Биз ишдан оилага — уйимизга шошилсак, эркаклар оиладан ишга қочишади. Устига устак, бир оғиз ширин сўз гадоси бўлиб турганимизни сезмай, ишда ҳамкасб аёллар билан оғизларидан бол томиб гаплашишади. Дам олиш кунларида болалар тарбияси, уй-рўзғор ишлари билан боғлиқ вазифаларини қўлга олишлари-ку амалга ошмайдиган орзу бўлиб кўринади. Жилла бўлмаса бизни вақтида мақтов билан сийлаб туришса-ку, олам гулистон! "Уй зиндон, кўча хандон!" деган гап шу маънода айтилган бўлса керак-да?!

Оилавий низоларга "тахт" талашув ҳам сабаб экан. Шуниси муҳимки, бундай ҳолат бир-бирларини яхши билган, севиб-севилган ёш оилаларнинг кўпчилигида сезилмайди. Улар бу масалани никоҳгачаёқ ошкора ёки ҳуфия ҳал қилган бўладилар.

Аммо ўзбек оилаларининг аксарияти совчилар воситасида юзага келиши сир эмас. Ўз жуфти ҳалолимизни ота-она маслаҳати билан танлашимиз маълум. Ўзаро ҳурмат ва бурчга садоқат асосида ширин оила бунёд этилган ҳоллар жуда кўп.

Эр-хотиннинг ёши орасидаги фарқнинг камайиб бораётганлиги ҳам муносабатларга таъсир қилади. Илгарилари хотинлар эрларидан ўртача 5-8 ёш кичик бўларди. Ҳозир бундай фарқ кўпинча 2-3 ёшдир. Маълумки, қизлар йигитларга нисбатан анча эрта улғаяди. Агар эр-хотиннинг ёши ўртасидаги фарқ жуда кичик ёки тенгдош бўлса, айрим аёллар ўзини эридан ақллироқ ҳис қила бошлайди. Бундай аёллар бўлар-бўлмасга мунозара-баҳсга киришади. Ўзларининг ҳақ эканликларини исботлаш учун айрим ҳолларда ҳатто овозларини кўтариб, дўқ уришгача бориб етади. Бу ҳол эркакнинг иззат-нафсига қаттиқ тегади. Тўғри, оила-рўзғор бор экан, эр-хотин ўртасида гап қочиши мумкинлигини истисно қилиб бўлмайди. Аксарият ҳолда доно аёллар бир гапдан қолиб муросаи-мадора ўрнатиб кетаверади. Бинобарин, оила "тахт"и учун кураш эрга ҳам, хотинга ҳам фойда келтирмаслигини, аксинча, гуллаб турган оила дарахтига урилган болта каби эканини, бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака қочишини англаб олиш керак.

Аксарият оилавий низолар келинларнинг уй-рўзғор ишларини бажаришга тайёр эмаслиги, уй бекалигини ўрнига қўёлмаслиги натижасида ҳам юзага келади. Бугунги кунда кўпгина ота-оналар қизларини ҳам ақлий, ҳам эстетик, ҳам жисмоний жиҳатдан камолотга етган инсон сифатида шакллантиришга ҳаракат қилишади. Қизлар мактабда таълим олиш билан биргаликда турли бадиий тўгаракларда, мусиқа мактабларида шуғулланадилар, турли спорт секцияларига қатнайдилар. Хуллас, ота-оналар ўзлари ёшлигида эришолмаган ниятларига болалари муяссар бўлишини исташади. Бу, албатта яхши. Лекин бека бўлиш учун буларнинг ўзи ҳали оз экан-да. "Эпликкина экан", дейишади уй-рўзғор ишларига, бекаликка, мустақил оила яратишга қобил бўлган келинлар ҳақида. Ҳар қалай, янги уйда низоларга ҳам ўрин қолмайди.

Янги тушган келин онаси ёки қайнонасидек лаззатли овқат пишира олмаслиги мумкин. Бундай кўникма мустақил оилавий ҳаёт давомида шаклланади. Лекин келинчакда ҳар қандай уй-рўзғор ишларини бажаришга, бекалик қила олишга маълум даражада тайёргарлик бўлиши зарур. Ёш бека овқат қилиши, ошхонадаги фаолиятидан завқланиши, қониқиши лозим. Қизлар ота-она уйидалигида овқат қилиш, дастурхон тузаб, меҳмон кутиш, уйни тоза тутиш ва шунга ўхшаш қатор ишларни бажаришни қай даражада ўрганса, келажак ҳаётида ўзи ҳам ўшандай рўзғор тутади. Ахир "Қуш уясида кўрганини қилади", деб бежиз айтишмаган.

Болаларни тарбиялашда эр-хотин, яъни ота-она якдил бўлиши, фикри бир жойдан чиқиши муҳим. Лекин ҳамма ҳам бу муҳим қоидага амал қилавермайди. Баъзи оилаларда она боласини урса, жазоласа, ота болани ўз ҳимоясига олади ёки аксинча. Ота-оналарнинг бундай "заиф" томонларини пайқаб олган бола гоҳ отадан, гоҳ онадан ҳимоя қидиради. Натижада бундай ота-оналарнинг тарбияси болалар учун таъсир кучини йўқотади. Болада ўз хулқ-атвори, хатоларига танқидий қараш шаклланмайди. Ўзини гоҳ ота, гоҳ она томонидан асоссиз жазоланган ҳисоблайди. Тарбия борасидаги тортишув айрим эр-хотинлар ўртасидаги шахсий муносабатларга салбий таъсир этади, улар орасида кўнгилсизликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бунда тарбия объекти бўлмиш бола четда қолиб, эр-хотин бир-бирларига адабиётлардан, атрофдагиларнинг ҳаётидан мисоллар келтириб, ўзларининг ҳақ эканлигини исботлашга уринишади. Айрим ота ёки оналар турли йўллар билан болани ўзига "яқинроқ қилиб олишга", ўзига нисбатан ортиқроқ меҳр уйғотишга ҳаракат қилишади. Бу билан бола тарбияси бузилади. Баъзи оилаларда фарзанд тарбияси билан кўпроқ шуғулланган она болада отага нисбатан салбий муносабатни шакллантириб қўяди. Бундай оилаларда отанинг обрўсига путур етади. Ва ана шу муҳитда тарбияланган болалар улғайгач, ота ёки онасига қўл кўтаришгача бориб етиши мумкин. Аслида ўз экканларини ўрган ота-оналар, оқибатда "мана, сенинг тарбиянг натижаси". дея бир-бирларига таъна қилишади. Бу очиқ ва аччиқ гаплар кўнглингизга тегмасин. Инсон ҳаётда ҳақиқатга тик боқмас экан, у яна хато ва камчиликларга йўл қўяверади.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**журналист.**

▼ САБОҚ

# САОДАТ ГУЛЗОРИНИНГ НАСИМИ

***"Болалигимда дадасининг елкасидан маҳкам қучоқлаб, шўх-шодон кетаётган болакайларни кўрсам, ҳавасим келарди. Айниқса, байрамларда дадамнинг ўрни жудаям билинар, онамдан яшириниб бурчак-бурчакларга бориб йиғлардим. Онам мени ўксинмасин деб, тинимсиз меҳнат қилиб ҳеч кимдан кам қилмай ўстирдилар. Энг чиройли кийимларни олиб берар, тансиқ таомлар билан сийлардилар доим. Лекин отанинг ўрни барибир билинар экан. Турмушга чиқаётганимда отам пешонамдан ўпиб, оқ фотиҳа беришлари насиб қилмаган экан".***

Дугонамнинг юқоридаги гапларини эшитиб, кўзимга ёш келди. Ёш гўдак учун ота-онасиз яшашнинг нақадар оғир эканлигини юрак-юракдан ҳис қилдим. Ёдгоранинг отаси бахтсиз тасодиф туфайли барвақт оламдан кўз юмди. Лекин орамизда айрим арзимас сабабларни рўкач қилиб, ажрашиб кетаётган оилалар ҳам йўқ эмас.

Турмуш доим бир текис бўлмаган, унинг ҳам баланд-пасти бор. Сабрли инсонлар ҳаётнинг бу каби синовларига бардош бериб, оила аталмиш буюк қўрғонни янада мустаҳкамлашади.

Оилада ота-оналарнинг ўз ўрни бор. Айниқса, ота оила бошлиғи сифатида фарзандларига ўрнак бўлиши керак. Оилада ўғил болалар отасидан кўп нарса ўрганади. Отасининг йўл-йўриғи билан келажак йўлини танлайди. Отанинг оналарга нисбатан ўз салобати бор. Шу сабаб ота урушмаса-да, негадир фарзандлар улардан ҳайиқиб туришади. Уйга кеч келишдан, нотўғри йўлларга юришдан тийилишади.

Қўшни аёл эрининг яхши пул топмаслигидан нолиб, уйида ҳар куни жанжал чиқарарди. Ўзи савдо-сотиқ қилиб катта пул топганлиги учун эрининг топгани тариқдек туюларди унга. Келишмовчиликлар ҳеч тугамагач, иккита фарзанди бўлишига қарамай, эридан ажрашди. Ташқаридан қараганда қўшни аёл фарзандлари билан тўла-тўкис яшаяпти. Аммо... унинг дарди фақат ўзига аён. Ажралишгач, эри оқила бир аёлга уйланди. Оиласи билан тинч-тотув яшаб келмоқда. Аммо фарзандларидан тез-тез хабар олиб туради. У ҳар гал келганида собиқ турмуш ўртоғи ич-ичидан эзилади. Ўйламай қилган ишидан пушаймон бўлади. Чунки фарзандлари отаси келганида шунчалар қувонишадики... Онасининг топаётган бойликлари, отасининг битта дийдорига арзимайди! Бир гал учрашганимизда қўшни аёл кўзда ёш билан дардини айтиб қолди.

— Ҳеч нарса ота ўрнини боса олмас экан. Буни кеч бўлганида тушуниб етдим. Отаси билан ажрашганимиздан сўнг, фарзандларим гапимга қулоқ солмай қўйишди. Уларни ёлғиз ўзим эплолмай қолдим, — дея нолиди.



**Қиз бола тарбиясида ҳам отанинг ўрни беқиёс. Онасидан уй юмушлари, одоб-ахлоқ меъёрларини ўрганса, отасидан оила бошлиғига кўрсатиладиган ҳурмат-эҳтиромни ўрганади... Оилада отанинг ўрни қанчалар баланд бўлса, атрофдагиларнинг ҳам уларга нисбатан эътибори шунча юқори бўлади...**

Қиз бола тарбиясида ҳам отанинг ўрни беқиёс. Онасидан уй юмушлари, одоб-ахлоқ меъёрларини ўрганса, отасидан оила бошлиғига кўрсатиладиган ҳурмат-эҳтиромни ўрганади. Уйга совчилар келганида ҳам, аввало, қизнинг ота-онаси суриштирилади. Оилада отанинг ўрни қанчалар баланд бўлса, атрофдагиларнинг ҳам уларга нисбатан эътибори шунча юқори бўлади.

Отани қадрлаш бизнинг миллатимизга хос хусусият. Ҳатто отанг ўтирган уйнинг томига чиқма, дейишади. Отасининг дуосини олиб юрган кишининг ишлари доим юришади, элнинг олдида обрўга эга бўлади. Шундай экан, фарзандлар ота-онага итоат этиб, ҳар бир фурсатни уларнинг розилигисиз ўтказмасликлари лозим. Бугун бизнинг ота-онамизга берган меҳр-муҳаббатимиз эртага болаларимиздан ортиғи билан ўзимизга қайтишига шубҳа йўқ.

Зеро, файласуфларимиз айтганидек, саодат гулзорининг насими ота-оналаримиз туфайли ҳосил бўлади.

**Нилуфар САПАЕВА**



# УЙИНГИЗНИ ДИД БИЛАН ЖИҲОЗЛАНГ

**Мамлакатимизда замонавий, кўркам биноларнинг сони йилдан-йилга ортаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, қад ростлаётган намунавий уйлар кўзни қувонтиради. Қуйида янги уйларга кўчиб ўтаётган оила соҳиблари хонадонларини қандай жиҳозлаш бўйича айрим тавсиялар билан танишишлари мумкин.**

Уйингизнинг кўркамлилиги ундаги жиҳозларнинг нафосат, дид билан жойлаштирилганлиги шу уйда яшовчиларнинг уқувига, эътиборига боғлиқ. Хоналарни жиҳозлашда унинг тарҳи, сони, ҳажми, ўзаро мутаносиблиги, эшик ва деразаларнинг ўлчами, шакллари катта роль ўйнайди.



Мебель танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш ҳамда ўрнатишга алоҳида аҳамият бериш керак. Хонадаги мебель ва жиҳозлар бир жамланмани ташкил этиши шарт эмас. Лекин ҳамма предметлар шакли, ҳажми, безаги, ранги билан бир-бирига мос, уйғун бўлмоғи даркор. Хоналарга жиҳозларни қалаштириб ташламаслик лозим. Мебеллар қанча кам жой эгалласа, уйингиз шунча кенг кўринади.

Асосан уйларда умумий хона муҳим аҳамият касб этади. Умумий хона одатда оила аъзоларининг дам олишига, овқатланишига, меҳмон кутишига хизмат қилади. Мебелларни жойлаштиришда хона ичининг мутаносиблиги муҳим роль ўйнайди. Узун, тор хоналарда мебелларни бўйлама деворларга тираб қўймаслик керак. Бу хонани янада торроқ, узунчоқ қилиб кўрсатади.

Хона жиҳозлашда кўп вақт кетказмаслик учун мебель харид қилишдан олдин хонанинг тарҳини бир қоғозга чизиб, уни қандай жиҳозлаш мақсадга мувофиқлиги ҳақида ўйлаб кўриш керак. Жиҳозлашда ҳар бир нарса — мебель, бадиий мато, чироқ, картина, гилам, турли тўшамалар маълум бир мақсадга хизмат қилиши, хона ичига файз киритиши лозим. Парда, мебелларга қопланадиган матоларнинг ранги, гулига аҳамият берилади. Хона ичидаги рангларнинг яхлитлигига эришиш учун кресло, диван, стуллар бир хил мато билан қопланиши, дераза пардаларининг ранги ҳам хона деворининг рангига мутаносиб бўлса, чиройли кўринади.

Ухлашга мўлжалланган ётоқхона учун одатда кичикроқ хона танланади. Болаларга эса кенгроқ ва ёруғлик кўп тушадиган хона маъқул келади. Чунки кроватдан четроқда ўйнайдиган жой ҳам ажратилади. Кийим-кечак сақланадиган жой одатда ётоқхонада бўлади.

Хонани ёритадиган чироқларнинг тўғри танланиши хона ичидаги безаклар жозибасида муҳим аҳамиятга эга. Уйларни жиҳозлашда гилам, чинни, сопол, шиша вазалар, безак ҳайкалчалардан фойдаланиш мумкин. Дид билан танланган гул ва турли ўсимликлар ҳам хона ичига янада файз киритади.

**Нилуфар МЕЛИБОЕВА**

# ОШХОНА УЙ БЕКАСИ УЧУН КЎЗГУ

**Одатда аёллар куннинг деярли ярмини ошхонада ўтказади. Ошхонанинг саранжом-сариштали-ги, тозалиги ва шинамлиги уй бекасининг ўзига, оиласига бўлган эътиборини, қўли гул пазандаю нозик дидли бека эканлигини англатади.**



Баъзан таом пишираётганда ёки ошхонада бирор-бир юмушни бажараётганда, керакли буюмни топа олмай, ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб ташлаган бекаларни учратамиз. Ёки 1 соатлик юмушни кўз очиб юмгунча қойиллатиб, атрофдагиларга ўрнак бўла оладиган бекаларни кўриб ҳайрон қоламиз. Бир нарса аниқки, катта-кичик ошхона жиҳозларидан тортиб оддий ишлатилган гугурт чўпларигача тартиб билан ўз ўрнига қўйилган ошхонада овқат пишириш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди.

Ошхонадаги парда ва жиҳозлар девор ранги билан мос тушиши, ҳамма нарса бир-бирига уйғун тарзда бўлиши зарур. Деворларни вақти-вақти билан нам губка, чўтка ёки латта билан артиб туриш керак. Девор шкафлари ўрнатилган жойлар мустаҳкам, иссиқ ва намга чидамли қопламалар билан қопланган маъқул. Ошхонанинг таом тайёрланадиган қисмининг етарли даражада ёруғ бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, ёруғлик чапдан ёки тепадан тушиб турган яхши. Пол, шифт, девор ва жиҳозлар оч рангда бўлса, ёруғлик яхши тарқалади. Шунингдек, хонани кенгроқ кўрсатади.

Ошхона омбор эмас! У ерга керакли-кераксиз нарсаларни тиқиштириб ташлаш ярамайди. Унинг мавжуд ҳолати у ерда тайёрланган таомга ва уни истеъмол қиладиганларга яхшигина таъсир кўрсатади.

Шу ўринда бир нечта фойдали маслаҳатлар!

*1. Ошхонага тамаки ҳиди ўрнашиб қолдими? Бундан осонгина қутулса бўлади. Бир нечта момиқ сочиқларни ҳўллаб хонанинг турли бурчакларига қўйиш керак. Сочиқлар тамаки ҳидини ўзига тез тортиб олади. Нами қуригач, яхшилаб ювиб ташланса, яна аввалгидек ишлатиш мумкин.*

*2. Газ плитаси устига юпқа қилиб чой содаси сепиб қўйилса, сут, овқат ёки сув тўкилганда осон тозалаб олиш мумкин бўлади.*

*3. Кам ишлатиладиган чинни чойнакдан моғор ҳиди келса, уни яхшилаб ювиб, қуритилгач, ичига қанд бўлаги ташлаб қўйилса, нохуш ҳиддан асар ҳам қолмайди.*

*4. Ойнани тозалашнинг осон усуллардан бири – хом картошка ёрдамида артишдир. Бунда картошка тозаланиб, иккига бўлинади. Кейин ойнага ишқаб чиқилади. Охирида тоза сув билан артиб ташланади.*

*5. Пичоқдаги пиёз ҳидининг кетказишдан осон иш йўқ. Бунинг учун пичоққа ўсимлик ёғи суриб, ярим соатдан сўнг ювиб ташлаш кифоя.*

Халқимизда "Кўз қўрқоқ, қўл ботир" деган нақл бор. Шундай экан енгни шимариб, ошхонани тартибга солиш керак. Ҳар бир бека ўз оиласининг ижодкори ҳисобланади. Шундай экан, аёлларнинг саранжом-сариштaлиги кўнгилни нурафшон, дилларни шод қилиши турган гап.

**Дилафрўз ҒАЙБИЕВА тайёрлади.**

# *Шахсий кутубхона*

## УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҚАНДАЙ ТАМОЙИЛЛАРГА ТАЯНАДИ?

**Китобсевар инсонларни кўп кузатганман. Улар қай бир уйга боришмасин, хоналардаги қимматбаҳо буюмлар, мебелларга назар солмасдан, жовонлардаги китоблар билан қизиқишади. Ўзларида бўлмаган китобларни қўлига олиб, варақлаб қўйишади. Бундай инсонлар ўқиш билангина чекланмай, китоблар йиғишни ҳам хуш кўришади.**



Талабалик йиллари Озод Шарафиддиновнинг хонадонларида бўлганимда уларнинг шахсий кутубхоналарини кўриб, ҳайратга тушган эдим. Минглаб китоблар битмас-туганмас хазинадек туюлганди кўзимга. Шунда кўнглимда ўз уйимда ҳам шахсий кутубхона ташкил қилиш нияти туғилганди. Шу сабаб, кутубхона яратишни истовчи китобсевар муштарийларимизга айрим тавсияларимни бериб ўтаман.

Аввало, шуни айтиш керакки, уй кутубхонаси бадиий, ўқув адабиётлари, умумий энциклопедик ҳамда даврий нашрлардан иборат бўлиб, ҳар бир оила аъзоларининг касби, маълумоти ва қизиқиши билан белгиланади. Бунда айниқса, ўқув машғулотлари, малака оширишда зарур бўладиган махсус ва илмий-оммабоп адабиётлар муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, кутубхонада кўпроқ фойдаланиш учун турли энциклопедиялар, луғатлар керак бўлади.

Шахсий кутубхона эгалари қизиқишларига қараб, мамлакатлар тарихи, фантастика, саёҳатлар тўғрисида китоблар, тарихий романлар, шеърият, санъат, безакли журналлар, альбомлар ва ҳоказоларни йиғиб боришлари мумкин.

Уй кутубхонасида китобларни соҳа бўйича, ўз навбатида, муаллифлар бўйича жойлаштирган маъқул.

Бадиий адабиётлар туркумида қайта-қайта ўқиладиган ёки севимли ёзувчиларингизнинг тўпламлари бўлиши керак, албатта. Бадиий адабиётлар ҳудудлар (масалан, рус адабиёти, инглиз, француз адабиёти ва ҳоказо.) бўйича тартиб билан жойлаштирилса, мақсадга мувофиқдир.

Кутубхонангизда, албатта, болалар бўлимини ҳам ташкил этишга эътибор қаратинг. Чунки, болаларга ёш хусусиятига кўра китоб танлаш уларда китоб ўқишга бўлган иштиёқни оширади.

Катта уй кутубхоналарида каталоглар тузилгани маъқул. Каталогларни китобларингиз камлигида бошласангиз, ишингиз осонлашади. Карточкаларда муаллиф фамилияси, китоб ва нашриёт номи, нашр этилган жой, йил кўрсатилиши керак.

Китоб фонди ҳақидаги барча маълумотларни алфавит дафтарда ҳам олиб бориш мумкин. Бу эса китобларнинг тартибли сақланишини ва ундан фойдаланишни осонлаштиради ҳамда таниш-билишларга ўқиш учун берилган китобнинг ҳисобини олиб бориш имконини беради.

Китобларни токчаларга бир қатордан қўйган маъқул. Агар бундай имконият бўлмаса, иккинчи қаторга кам ўқиладиган китобларни жойлаштириш мумкин. Китоб муқоваси яхши сақланиши учун китобларни токчаларга тиғиз жойлаштирмаслик керак.

Китоб жойлаштирилган шкафларни қуёш нури тушмайдиган бурчакларга қўйиш тавсия этилади.

Эсингизда бўлсин, шахсий кутубхонангизнинг қиймати китоблар сони билан эмас, балки илмий ва бадиий қиммати, оила аъзоларининг қизиқишларини қониқтириши билан белгиланади.

Кутубхонангизни бойитиш учун ҳар маош ёки стипендиянгиздан биттадан адабиёт харид қилсангиз ҳам китоб жамғармангиз анчагина кўпаяди. Оиладаги 4-5 киши томонидан тўпланган адабиётлар ҳисобига ҳам шахсий кутубхонага эга бўлиш мумкин.

**Муҳайё АЛИЕВА, ўқитувчи.**

СПОРТ



# ТЕМУР КАПАДЗЕ «АЛ ШАРЖА»ДА

**Ўзбекистон миллий терма жамоаси ярим ҳимоячиси Темур Кападзе БААнинг "Ал-Шаржа" клуби билан шартнома имзолади. Темур ўтган мавсумни Жанубий Кореянинг "Инчхон Юнайтед" клубида ўтказганди. У футбол ихлосмандлари ва мутахассисларда яхши таассурот қолдиргани боис, Корея ва Япония клубларидан таклифлар бўлаётганди. Аммо футболчининг БААнинг ўртамиёна клуби сафига қўшилиши мухлисларга бироз тушунарсиз бўлди.**

Оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида футболчи ушбу ҳолатни қуйидагича изоҳлаб ўтган:

— "Инчхон" билан тузган бир йиллик шартномам якунига етгач, клуб раҳбарлари билан жамоадаги кейинги фаолиятим юзасидан гаплашдим. Маълум бўлишича, "Инчхон"да молиявий муаммолар юзага келган. Шу боис, янги мавсумни ушбу клубда бошламаслигим аниқ бўлиб улгурганди ва ўзимга бошқа жамоа топишим керак эди. Менга бир нечта жамоалардан таклифлар тушди. Хусусан, Жанубий Кореянинг "Поханг Стилерс", Саудия Арабистонининг "Ал-Ҳилол" ва "Ал-Иттиҳод" клубларидан жиддий чорлов бўлди. "Ал-Ҳилол" раҳбарлари шартнома имзолаш учун март ойигача кутиб туришим лозимлигини айтишди. 2 ойча клубсиз юриш терма жамоадаги фаолиятимга салбий таъсир қилиши мумкин. Вақтни бекор ўтказмаслик мақсадида "Ал-Шаржа" таклифини қабул қилдим. "Ал-Шаржа" БААда етакчи жамоалар тоифасига кирмайди, совринли ўринлар учун кураш олиб бормайди. Шуларни инобатга олган ҳолда, мавсум якунлангунига қадар, яъни 5 ойлик шартномага имзо чекдим. Ёзги трансфер бозори пайтида ўз олдига жиддий мақсадларни қўядиган клубга ўтиш ниятидаман. Бунинг учун ҳозирги жамоам сафида чиройли ва мазмунли ўйин намойиш қилишим шарт.

# «БУНЁДКОР» FIFA НИГОҲИДА

**Тошкентнинг "Бунёдкор" клуби Бирлашган Араб Амирликларида ўқув-йиғин машғулотларини ўтказаётгани кўпчиликка маълум.**

FIFA Futbol Mundial

Мазкур йиғин давомида FIFAнинг расмий ҳамкор кўрсатуви бўлмиш "Futbol Mundial" ижодкорлари Ўзбекистон чемпиони "Бунёдкор" клуби ҳақида ҳикоя қилувчи фильмни суратга олишган. Бош мураббий Миржалол Қосимов, жамоа сардори Виктор Карпенко ва клубнинг иқтидорли ёш футболчиси, 2011 йил Мексикада бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати қаҳрамонларидан бири Жавлон Мирабдуллаев кўрсатув ходимларига интервью беришган.

Кўрсатув ижодкорлари сўнгги йилларда Ўзбекистонда футбол жадал ривожланаётганлигини, хусусан, "Бунёдкор" футбол клуби бутун дунёга маълуму машҳур бўлиб улгурганини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Бутун дунёга намойиш этиладиган мазкур кўрсатувда FIFA ҳаками, ҳамюртимиз Равшан Эрматов ҳақида ҳикоя қилувчи фильм ҳам суратга олинган эди.

# ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

**Куни кеча ЎФФ биносида 2012 йилги Ўзбекистон кубоги учун қуръа ташлаш маросими ўтказилди. Ўзбекистон футбол федерацияси расмий твиттерида ёзилишича, кубокнинг 2012 йилги мусобақалари 6 босқичда ўтказилади.**

Ўзбекистон кубоги финал учрашуви 2012 йил 18 ноябрь кунига белгиланган. Ушбу учрашув мамлакатимизнинг навбатдаги футбол мавсумига якун ясаб беради.

Ўзбекистон Кубоги финалининг мукофот жамғармаси 150 миллион сўмни ташкил этади. Яъни 2012 йилги Кубок эгаси 100, финалчи эса 50 миллион сўм миқдордаги маблағ билан тақдирланади. Ўзбекистон Кубогининг дастлабки учрашувлари 23 мартдан бошлаб старт олади.

**Қуръа натижалари билан танишинг:**

*"Пахтакор" — "Бухоро-2", "Южанин" жуфтлиги ғолибига қарши*

*"Насаф" — "NBU-Осиё"*

*"Бунёдкор" — "Насаф-2", "Зомин" жуфтлиги ғолибига қарши*

*"Ерқўрғон" — "Нефтчи"*

*"Гулистон" — "Жайҳун"*

*"Металлург" — "Чуст-Пахтакор", "Локомотив БФК" жуфтлиги ғолибига қарши*

*"Сўғдиёна" — "Оқтепа", "Пахтакор-2" жуфтлиги ғолибига қарши*

*"Янгиер" — "Динамо"*

*"Хоразм" — "Бухоро"*

*"Машъал-А" — "Локомотив"*

*"Хива" — "Шўртан"*

*"Сурхон" — "Машъал"*

*"Қизилқум" — "Косонсой", "Нефтчи-2" жуфтлиги ғолибига қарши*

*"Динамо-Ғаллакор" — "Андижон"*

*"Регистон" — "Олмалиқ"*

*"Бунёдкор-2" — "Навбаҳор"*

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

Мерос



# ВОСИФИЙДА ШОИРЛАР ВАСФИ

**Султон Ҳусайн — Ҳусайнийнинг ҳаёти, шахсияти, фаолиятини ўрганиш ўзи ҳаётлик вақтидаёқ бошланган. Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг деярли барча асарларида, шунингдек, "Равзат ус-сафо", "Макорим ул-ахлоқ", "Мажолис ул-ушшоқ", "Тазкират уш-шуаро", "Бобурнома", "Тарихи Рашидий", "Тарихи касира" сингари камёб манбаларда Ҳусайн Мирзонинг ҳаёти ва фаолияти, адабиётшунос ҳамда шоир сифатидаги маҳорати ҳақида қимматли маълумотлар берилган.**

Демак, бу сарчашмалар адиб, давлат арбоби Ҳусайнийнинг таржимаи ҳоли ва ижодий биографиясини яратишда муҳим манбалар ҳисобланади. Шарқ мемуар жанрининг камёб нусхаси бўлган "Бадоеъ ул-вақоеъ" асари ҳам Ҳусайний сиймосини тугал ёритишда ана шу асарлар қаторида туради. Зероки, унда шу даврнинг бошқа тарихий, бадиий, ёднома китобларида битилмаган фикрлар мавжуд. Жумладан, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент воҳалари маданий, илмий ва адабий ҳаётига доир Восифий ёзиб қолдирган маълумотлар бошқа сарчашмаларда учрамайди. Масалан, Тошкентда яшаб ижод этган андижонлик машҳур Жалолиддин Юсуфнинг ҳаёти ва ижодига доир аниқ далиллар "Бадоеъ ул-вақоеъ"да учрайди, холос. Восифий рассом чизган бир неча асарларнинг "Чодак қозиси", "Арслон билан олишув"ларни санаб ўтган.

Шоир Зайниддин Маҳмуд Восифий Абдураҳмон Жомийнинг дуосини олиб, Ҳусайний, Алишер Навоий, Соҳиб Доро, Ҳусайн Воиз Кошифийлар қуршови, меҳрибончиликларида балоғатга етган. Шунинг учун ҳам Восифий кейинчалик "Бадоеъ ул-вақоеъ" асарида бу мураббий ва ҳомийлари ҳақида илиқ сўзларни ёзган.

"Бадоеъ ул-вақоеъ"да Султон Ҳусайн давридаги Хуросон адабий, илмий ва маданий муҳитининг забардаст вакиллари ғўғрисида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Масалан, Ҳирот ғанимлар қуршовида қолганда Зайниддин Восифий ўз ҳаётини хавф остида қолдириб, Ҳусайн Бойқаро хонадонини хазинаси билан душман талон-торожидан ер ости сув қувури орқали олиб чиқиб, ўта хатарсиз ерга жойлаштиришга муваффақ бўлади.

Ҳусайн Бойқаро энг мураккаб ҳолатларда, ҳатто ўз манфаатига зид келса ҳам, Навоий мартабаси, обрўйини қадрлаган, сақлаган, ҳимоя этган. "Бадоеъ ул-вақоеъ"даги бир ҳикоя шу жиҳатдан ғоятда ибратлидир.

Кунлардан бир кун Паҳлавон Муҳаммад суҳбатнинг айни қизиган чоғида Ҳусайн Бойқаро зиёфатини ташлаб, Шотир ҳузурига кетади. Буни пайқаган ҳукмдор ярим кечада бутун давлат сарой аъёнлари, давлат арбобларию ўғилларини йиғдириб, машъалалар ёқтириб, Паҳлавонни шотир либосида издиҳом олдидан ўтказиш хусусида фармон беради. Одатда, шотир — жиловдорлар, масхарабозлардек алоҳида либос кийиб, турли рангдаги қийқимлардан тикилган чакмон ва шолварда юриши шарт экан. Паҳлавон Муҳаммад шотир либосини кийиб тайёр бўлган пайтда, Навоий саройга отда кириб келади. Воқеадан хабар топгач, шоир Ҳусайн Бойқарога таъзим этиб, ўтиниб дейди:

— Биз Паҳлавон Муҳаммад билан умр бўйи бир хил либос кийиб юриш ҳақида қасамёд этганмиз. Хазинабонга буюринг, менга ҳам шотир кийимларини келтиришсин.

Донг қотиб қолган Султон Ҳусайн фармонни бекор қилади, халқ тарқалади. Бутун Хуросонда ном таратган, кураги ерга тегмаган, айни пайтда, зукко, замонасининг донишманди Паҳлавон Муҳаммад эл орасида шарманда бўлишдан қутулади. Бу кичик ҳикоятдаги воқеа барча замон кишиларига дўст учун фидойиликнинг юксак ибрат намунаси бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, жуда катта илмий, тарихий, адабий қимматга эга бўлган "Бадоеъ ул-вақоеъ" асари жиддий таълим-тарбиявий аҳамиятга эга. Асардаги Навоий, Ҳусайний, Кошифий ва бошқалар ҳақидаги ҳикоятлар ўқувчига оламжаҳон бадиий завқ, эстетик қудрат бахш этади.

**Ҳуснигул ЖЎРАЕВА,**
**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси.**

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**ЛОТ 10/2. Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Зарбдор ҚФЙ, Тинчлик МФЙда (Исковот) 50 қатновга қишлоқ шифокорлик пунктини қуриш.**

**Бошланғич нархи** ҚҚС билан — 340 956 265 сўм, ҚҚСсиз — 290 796 887 сўм.

**Бажариш муддати** – 180 кун.

**Буюртмачи:** Наманган шаҳри А.Темур кўчаси 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси. Тел.: (8-369) 226-22-60, 233-06-11.

**Лойиҳани молиялаштириш:** Республика бюджети маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

*Диққат! 500 миллион сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.*

**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак:** танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хориж қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:

Қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда хориж ишларини (хизматларни) таъминлаш бўйича "танлов таклифлари берилганда хориж товарларни етказиб берувчилар қўшимча қиймат солиғидан қонун доирасида озод бўлганини инобатга олган ҳолда имтиёздан келиб чиққан фарқ миқдорини берилган таклифга қўшимча равишда ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти ҳудудий консалтинг марказиг**а қуйидаги манзилга: Наманган шаҳар Навоий кўчаси, 22-уй, тел.факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи – **70 000 сўм.**

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офёрталарни очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда очилади: Наманган ш., А.Темур кўчаси 105-уй.

# ДУНЁНИНГ ЭНГ ҚИММАТБАҲО БУЮМЛАРИ

**УЛАР ҲЕЧ КИМНИ БЕЭЪТИБОР ҚОЛДИРМАЙДИ. БУ БУЮМЛАР ОДАМЛАРНИ ҲАЙРАТГА СОЛИШИ БИЛАН БИРГА, ИНСОН АҚЛИ НИМАЛАРГА ҚОДИР ЭКАНЛИГИНИНГ АМАЛДАГИ ИСБОТИДИР**



## ЭНГ ҚИММАТ АВТОМОБИЛЬ — Bugatti Type 57SC Atlantik.

**Bugatti Type 57SC Atlantik дунёдаги энг қимматбаҳо (маълумотлар 2010 йилнинг январь ҳолати бўйича) автомобиль ҳисобланади.**

Турли манбаларда айтилишича, машина эгаси уни 30,4 миллион долларга сотиб олган. У 1936 йилда ишлаб чиқарилган. Таъкидлаш лозимки, бу турдаги машиналар бор-йўғи тўрттагина эди. Ҳозирда уларнинг иккитаси қолган. Дарвоқе, машина америкалик дизайнер Р.Лоренга тегишли.

Эслатиб ўтамиз, бунга қадар дунёдаги энг қимматбаҳо машина Ferrari-250 GTO (1961 йил) ҳисобланар эди. У 28,5 миллион АҚШ долларига сотилган.

## ЭНГ ҚИММАТБАҲО КАРТИНА — «№5, 1948»

**2006 йилдаги Sotheby's кимошди савдосида "№5, 1948" картинаси мексикалик молиячи Дэвид Мартинезга рекорд нархда — 140 миллион долларга сотилган эди.**



Картина америкалик рассом Джексон Поллокка тегишли. У бу суратни 1948 йилда ишлаган. "Абстракт экспрессионизм услубидаги мазкур асар ақл ва қонун доирасидан чиқиб кетган ҳолда яратилган. Рассом асарни ўз дунёқараши асосида руҳий ва кучли ҳис-ҳаяжон ҳолатда дунёга келтирган", дея баҳолашди мутахассислар. Умуман, Джексон Поллок ана шу ғайритабиий асарлари билан машҳур.



## ЭНГ ҚИММАТ УЙ — Antilla

**Дунёдаги энг қиммат, шу билан бирга энг катта уй Мумбайда (Ҳиндистон) жойлашган. Унинг соҳиби — ҳиндистонлик мультимиллиардер Мукеш Амбани.**

Бино 27 қаватдан иборат. Унинг қиймати 1 миллиард (баъзи манбаларда 2 миллиард) АҚШ долларига тенг деб баҳоланган.

Уйнинг умумий майдони 400000 квадрат метр, баландлиги 168 метр бўлиб, бинонинг олти қаватида фақат машиналар туради. Бу ерда 65 кишига мўлжалланган театр ҳам бор. Ҳар бир қаватнинг боғи мавжуд бўлиб, ҳатто бино устига вертолёт қўнадиган майдон ҳам қурилган. Йоглар студияси ва рақс майдони биллур қандиллар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар билан безатилган.

"Камтаргина" бино соҳибларининг оз эмас, кўп эмас, 600 нафар хизматкори бор.

## ЭНГ ҚИММАТ ОЛМОС — «Виттельсбах»

**XVII асрга тегишли бўлган "Виттельсбах" деб номланган ҳаворанг олмос Chrstie's заргарлик савдосида 24,3 миллион АҚШ долларига сотилган эди.**



Унинг оғирлиги 35,56 каратни ташкил қилади. Қимматбаҳо тош Ҳиндистоннинг Голконд олмосидан. Қачонлардир унинг эгаси Испания қироли Филипп II бўлган. Шунингдек, у Австралия ҳукмдорлари саройида сақланган, кейин Бавария тожининг безаги бўлди. Ҳозирда у лондонлик заргар Лоренс Графга тегишли.

**Интернет материаллари асосида Ортиқ СУЛТОНОВ тайёрлади.**



(30 январь — 5 февраль)



### ҚЎЙ (21.03 — 20.04)

Фойдали шартномалар имзолаётганда ҳамкорлар билан иложи борича табиий муносабатда бўлишга ҳаракат қилинг. Ҳар қандай сохтакорликнинг оқибати хунук тус олиши мумкин. Таваккал қилищдан эҳтиёт бўлинг.



### БУЗОҚ (21.04 — 20.05)

Сизга омад кулиб боқади. Кескин қарорлар қабул қилишингизга тўғри келади. Айнан шу туфайли ўзингиз ва жамоа учун ниҳоятда фойдали бўлган битимлар тузасиз. Спорт билан шуғулланиш тавсия этилади.



### ЭГИЗАКЛАР (21.05 — 21.06)

Келажакка пойдевор қўйиш ва моддий аҳволингизни мустаҳкамлаб олиш учун омадли ҳафта. Анчадан буён ўйлаб юрган режаларингизни амалга ошириш учун қулай муҳит вужудга келиши кутилмоқда.



### ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07)

Иқтидорингизни намойиш этишингизда кўпроқ сиздаги тортинчоқлик хусусияти тўсқинлик қилади. Ўз қобиғингизга ўралиб олмасдан жамоат ишига фаол аралашинг. Шунда дўстларингиз орасида ҳурматингиз янада ошади.



### АРСЛОН (23.07 — 23.08)

Соғлиғингизга жиддий эътибор қаратинг. Анчадан буён якунланмай ётган ишларингизни бир ёқлик қилмасангиз, улар янги марраларни забт этишингизга тўсқинлик қилаверади. Ҳушёрликни қўлдан бой берманг.



### ПАРИЗОД (24.08 — 23.09)

Ўзингизга бўлган ишонч ортади. Самарали ижод қиладиган, кўнглингиздагидек ҳамсуҳбат ва янги дўстлар орттириш имконини тақдим этадиган ушбу ҳафтадан тегишлича улушингизни олиб қолишга улгуринг.



### ТАРОЗИ (24.09 — 23.10)

Фаолиятингиз ҳар доимгидан ҳам муваффақиятли кечади. Бундан моддий аҳволингиз янада яхшиланади. Ҳафта якунида муҳим ишларни белгиламаганингиз маъқул. Акс ҳолда чув тушиб қолишингиз мумкин.



### ЧАЁН (24.10 — 22.11)

Дам олиш кунлари уйга қамалиб, диққинафас бўлиб ўтирмасдан, саёҳатга чиқинг. Саёҳатингиз давомида содир бўладиган бир-биридан қизиқарли саргузаштлар ижодий фаолиятингизда янги саҳифаларни очса ажабмас.



### ЎҚОТАР (23.11 — 21.12)

Ўз фикрингиз ва қарашларингизда мустаҳкам туринг. Ҳаётда маълум бир мавқега эга бўлиш учун кучли ирода ва сабот талаб этилади. Соғлиғингизни мустаҳкамлаш учун тонгги бадантарбия машғулотларини канда қилманг.



### ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01)

Ютуқларга эришишингизда яқинларингизнинг кўмаги асқотади. Ўзингиз севган машғулотлар билан шуғулланинг. Қариндошларингиз, ҳамкасбларингизни ўзингиз хоҳламаган ҳолда хафа қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлинг.



### ҚОВҒА (21.01 — 20.02)

Иш жойингизда ўзингизни ҳар томонлама кўрсатишингиз натижасида раҳбарларда яхши таассурот қолдирасиз ва бу сизга янги имкониятлар туҳфа этади. Тежамкор бўлинг ва самарасиз харидлардан ўзингизни тийинг.



### БАЛИҚ (21.02 — 20.03)

Фарзандларингизга, оилангизга эътиборли бўлинг. Яқинларингиз ёрдамингизга муҳтож бўлганда, улардан кўмагингизни аяманг. Тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун ушбу ҳафта омадли келиши кутилмоқда.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Аҳитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Сиёсатхон АБДУЛЛАЕВА, Маҳмуд ТОИР, Ҳамробой РАЗЗОҚОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (8-361) 352-54-58, 743-03-45; Андижон – (8-374) 970-99-13; Бухоро – (8-365) 593-27-57; Жиззах – (8-372) 366-61-16; Навоий – (8-436) 221-69-08; Наманган – (8-369) 562-19-59; Фарғона – (+998-91) 137-06-83; Самарқанд – (+998-97) 756-68-27; Сирдарё – (8-367) 588-06-89; Тошкент – (+998-97) 100-29-61; Хоразм – (8-362) 520-69-14; Қашқадарё – (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар: 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир: С.СОЛИЕВА
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-114, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.45
22916 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5